Ушбу сонда:
2 БИР ФАРМОН ШАРОФАТИ
3 *Ҳуқуқий маслаҳатхона* КАСАБА УЮШМА РОЗИЛИГИ
4 «САЛОМАТЛИК» БЕЛЛАШУВЛАРИ



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 29 май, сешанба №82 (1096)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МАЪРИФИЙ-МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ - БАРЧАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Маълумки, кейинги пайтда мамлакатимизда маърифий-мафкуравий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини замон талаблари даражасига кўтариш масаласига муҳим аҳамият берилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Хотира ва Қадрлаш куни бир гуруҳ ижодкорлар билан бўлган учрашувда ҳамда яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида бу борада ижодкор зиёлилар, илм-фан, маданият ва санъат намояндалари олдида ғоят масъулиятли вазифалар турганига эътиборимизни қаратган эди.

Миллий матбуот марказида ижодий уюшмалар, илм-фан, маданият ва маънавият, таълим-тарбия соҳаси мутасаддилари, ёшлар ҳаракати фаоллари, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида маърифий-мафкуравий тарбия ишларинини янада такомиллаштириш, тарғибот-ташвиқот ишларини ана шу вазифалар асосида ташкил этиш масаласига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов ва З.Ҳусниддинов истиқлол йилларида маърифий-мафкуравий соҳада кўпгина ишлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтишди. Хусусан, халқимизнинг янги ҳаёт қуриш йўлидаги эзгу мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этган миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ишлаб чиқилиб, уларни халқимиз, энг авало, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. «Миллий истиқлол ғояси» фани таълим тизимига жорий этилаётгани жамиятимиз тафаккурида туб янгиланишлар юз бераётганидан далолатдир.

Лекин бугун замон, давр, жаҳоннинг геополитик харитаси, минтақамиздаги мафкуравий жараёнлар тез ўзгармоқда. Турли ёвуз кучлар ва қабиҳ ниятли марказлар ўз ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун турли усулларни ишга солмоқда. Ёшларимизга, келажагимизгатаҳдид солиб турган бундай хавф-хатарнинг олдини олиш учун ижодкор зиёлилар, фан ва маданият намояндалари, бутун халқимиз қатъий кураш олиб бориши зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Анжуман иштирокчилари бундай мураккаб шароитда бугунги сиёсатимизнинг моҳиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган олмашумул ўзгаришлар жараёнини, янги ҳаёт қуриш йўлидаги эзгу интилишларимизни халқимиз ўртасида ҳаёт ҳақиқатига таянган ҳолда тарғиб қилиш лозимлигига эътиборни қаратдилар.

Баҳс-мунозара руҳида ўтган анжуманда юртимизда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини тарғиб этишда баъзан компаниябозлик, хўжакўрсинга тадбир ўтказиш ҳоллари ҳам кўзга ташланаётгани танқид қилинди. Бундай ҳолатларга барҳам бериш, миллий истиқлол ғоясини обрўсизлантирмаслик, уни юксак маърифат билан, ҳаётий мисоллар асосида тарғиб этиш зиёлиларимизнинг асосий бурчи экани қайд этилди.

Бинобарин, маърифий-мафкуравий тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларининг мезони, аввало, халқимизнинг умид-ишончи ва таянчи бўлган ёшлар тарбияси, уларнинг ҳаётга, эл-юртга муносабатига ўтказадиган ҳаётбахш таъсири билан белгиланади.

Ёшлар тарбиясига бепарволик, мафкуравий курашдаги лоқайдлик, тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, тарбия - бу ҳаёт-мамот масаласи эканини одамларга, кенг жамоатчиликка қайта-қайта тушунтириш, уларни огоҳ этиш зарур.

Анжуманда замонавий қаҳрамон образини яратиш маърифий-мафкуравий ишнинг муҳим бир қисми эканига яна бир бор эътибор қаратилди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Ижтимоий фикр» марказининг раҳбари Р.Убайдуллаева, Давлат ва жамият қурилиши академияси илмий ходими Н.Умарова, Файласуфлар миллий жамияти раиси Қ.Назаров, шоир А.Суюн, филология фанлари доктори, профессор Н.Маҳмудов, кинорежиссёр Ю.Розиқов, Ўзбекистон халқ артисти М.Абдукундузов, журналистлар Б.Ҳасанов, А.Гуломов, ёш шоира, Зулфия мукофотининг совриндори Г.Асқарова, Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг раиси муфтий А.Баҳромов, ёзувчи О.Мухторов маърифий-мафкуравий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини баён этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари, фан ва маданият намояндаларнинг мамлакат жамоатчилигига мурожаати қабул қилинди.

(ЎзА).

КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни кенгаш раиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов бошқарди.

Йиғилишда жорий йилда текширишларни мувофиқлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил килишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги Фармони ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилишича, амалга оширилган ишлар туфайли режадан ташқари текширувлар ўтказиш учун бериладиган рухсатномалар сони уч баравардан зиёд камайди ҳамда жорий йилнинг 1 чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан назорат органлари томонидан текширилган хўжалик юритувчи субъектлар сони 1,6 баравар қисқарди. Назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширувлар самарадорлиги 12 фоизга кўпайди, йўл қўйилган тартиббузарликлар учун қиймати 3,2 миллиард сўмга тенг жарима чоралари қўлланди.

Айни пайтда Кенгаш шуни қайд этдики, режалаштиришдаги нуқсонлар туфайли айрим назорат органлари томонидан қонунчилик талабларига риоя этаётган хўжалик субъектлари текширувлари ҳамон режа-жадвалларга киритиб келинмоқда, бундай текширувлар мобайнида ишлаб чиқилган мезонларга риоя этилмаслиги боис субъектлар фаолияти чуқур таҳлил қилинмаяпти. Оқибатда назорат кутилган самараларни бермаяпти. Айниқса, тижорат банклари, Ер ресурслари давлат қўмитаси, «Ўзавтодарётранс» агентлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг назорат инспекцияси томонидан ўтказилаётган текширувлар самарадорлиги ниҳоятда паст. Ҳудудий комиссиялар қошидаги «ишонч телефонлари» ходимларининг иши ниҳоятда самарасиз, деб топилди. Кенгаш томонидан бу борадаги ишларни яхшилаш ҳақида тегишли топшириқлар берилди.

Кенгашда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машиналар ва ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш ҳамда шартномавий мажбуриятлар ижросини назорат қилиш бўйича давлат бош инспекциялари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солишга доир қонунчиликка амал қилинишини таъминлаш нуқтаи назаридан кўриб чиқилди. Бу масала юзасидан инспекциялар бошлиқлари Х.Болтабоев ва М.Қўшбоев ҳисоботи, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С.Бегалиевнинг ахбороти тингланди.

Муҳокама жараёнида мазкур инспекциялар раҳбарлари томонидан ҳудудий тузилмалар ишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ишлари олиб борилмаётгани таъкидланди. Натижада инспекциялар бўлинмалари томонидан қонунчилик ва текширувлар ўтказиш тартибини бузиш ҳоллари рўй бермоқда, текширувлар рухсатсиз ва белгиланмаган муддатларда ўтказилмоқда, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашиш ҳоллари мавжуд. Ушбу инспекциялар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказилаётган текширувлар самарадорлиги паст.

Кенгаш мазкур инспекциялар фаолиятини қониқарсиз, деб топди ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига инспекциялар ва уларнинг бўлинмалари фаолиятини таҳлил этиш, улар раҳбарларининг зиммасига юкланган вазифалар бўйича масъуллигини кўриб чиқиш ҳамда мазкур масалани жорий йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича коллегия йиғилишида муҳокама қилиш вазифасини топширди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи Ю.Қосимов ва Ички ишлар вазири ўринбосари Б.Парпиевнинг ўтказилаётган текширувлар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги ахбороти тингланди. Қайд этилдики, кўрилаётган чораларга қарамай Давлат ёнғин назорат бўлими ва унинг бўлинмалари фаолиятида камчилик ва тартиббузарликларга йўл қўйилмоқда. Қатор бўлинмаларда текширишларни мувофиқлаштириш бўйича масъул шахслар тайинланмаган, уларни бажаришга доир буйруқлар расмийлаштирилмаган, ишни режалаштиришда камчиликлар мавжуд. Ўтказилган мониторинг натижасида 1600 та рухсатсиз текширувлар ўтказилгани аниқланди. Биринчи чоракда ўтказилган текширувлар самарадорлиги ўтган йилгига нисбатан 10 фоизга камайди. Қатор ҳудудларда Давлат ёнғин назорат бўлинмалари томонидан режалаштирилган текширувлар амалга оширилмаган. Давлат ёнғин назорат бўлими ходимларининг текширишлар натижаларига кўра киритган таклифлари тўлиқ бажарилмаяпти, улар қонунчилик билан ўзларига берилган ваколатлардан тўлиқ фойдаланмаяпти. Натижада республикада ёнғинлар сони камаймаяпти, улардан кўрилаётган зарар кўпайиб бормоқда.

Кенгаш Бошқарма томонидан мазкур масалани ўрганиш натижалари бўйича айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, бу борадаги ишларни тартибга солиш чоралари кўрилганини эътиборга олди. Ўзбекистон Республикаси ИИВга хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширувчи бўлинмалар иши самарадорлиги устидан назоратни кучайтириш, даврий равишда улар раҳбарларининг ҳисоботини тинглаб бориш таклиф этилди.

Текширишларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди, муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Президент Девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ходимлари иштирок этди.

УКРАИНА ТАЪЗИМИ

Украин халқи иккинчи жаҳон уруши даврида жуда катта талофат кўрди. Шиддатли жанглар туфайли шаҳар ва қишлоқлар култепага айланди. Мамлакатни босқинчилардан озод қилишда эса украинлар билан ёнмаён юзлаб миллат вакиллари ўзларининг ширин жонларини аямаган эди. Шундай мард ва жасур жангчилар орасида ўзбек йигитлари ҳам кўп бўлган. Буни украин халқи ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Биргина Киев шаҳрини озод қилишда 27 нафар ўзбекистонлик аскар ва зобит Қаҳрамон унвони билан тақдирланган эди. Ана шу қаҳрамонлардан бири Тошкент вилояти Янгийўл тумани Ниёзбоши қишлоғида истиқомат қилувчи Абдулла Қурбоновдир. А.Қурбонов урушга жўнаганида эндигина 16 ёшга тўлган эди. 1943 йилда 18 ёшли йигитча Киев шаҳрини фашистлардан озод қилиб, Днепр дарёсини кечиб ўтишда кўрсатган мардлик ва жасорати учун қаҳрамонлик унвонига сазовор бўлган эди.

Яқинда Киев шаҳри озод этилганлигининг 55 йиллиги муносабати билан Украина Президенти Л.Кучма барча уруш қаҳрамонлари ва фахрийларини «Ватан ҳимоячиси» медали билан мукофотлаш тўғрисида фармон берди. Ушбу ҳужжатда ниёзбошилик қаҳрамон А.Қурбоновнинг номи ҳам зикр этилганди. Шу муносабат билан Украинанинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳарбий атташеси полковник С.Петрушко, Киев шаҳрининг Тошкентдаги ваколатхонаси ижрочи директори С.Фефелов, «Нуроний» жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими раиси Н.Насимов қаҳрамон хонадонида бўлиб, унга Украинанинг «Ватан ҳимоячиси» медалини топширди.



Варшавада Альберт Швейцер номидаги Жаҳон тиббиёт академиясининг навбатдаги симпозиуми бўлди. «XXI асрга инсонпарварлик ва тинчлик ғоялари билан» шиори остида ўтган бу анжуманда дунёнинг 42 мамлакатидан олимлар қатнашди.

ЎЗБЕК ОЛИМИГА ОЛТИН МЕДАЛ

Улар орасида Жанубий Африкалик буюк жарроҳ, дунёда биринчи бўлиб инсон юрагини кўчириб ўтказган Кристиан Бернард, россиялик академик Евгений Чазов, руминиялик Мирча Иферим, япониялик Ючиро Мацура каби машҳур шифокорлар қаторида Бухоро давлат тиббиёт институти ректори, профессор Раҳмат Аҳмедов ҳам бор эди. Симпозиумда замонавий тиббиётнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

Анжуман ниҳоясида тиббиёт соҳасидаги хизматлари учун бир гуруҳ олимларга академиянинг олтин медаллари топширилди. Шуниси қувончлики, симпозиумда мазкур академиянинг ҳақиқий аъзолигига сайланган Р.Аҳмедов ҳам олтин медал билан мукофотланди. Ўзбекистонлик шифокор олим ушбу мукофотга жарроҳликка оид йирик илмий асарлари, амалий ишлари ва педагогик фаолияти учун сазовор бўлди.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

ОҚСОҚОЛ — МАҲАЛЛА ИЙМОНИ

Маҳаллий ҳокимият органларининг мунтазам тизимини фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу органларнинг асосини эса фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар ташкил этади. Улар эса халқнинг тарихий анъаналари ва руҳиятини ҳисобга олиш асосида тузилади. Олий Мажлис Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ айни кунда мамлакатимиздаги барча қишлоқ ва маҳаллаларда қишлоқ, маҳалла оқсоқоллари, фуқаролар йиғини раислари, уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш қизғин давом этмоқда.

Мухбиримиз бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Шофиркон туманидаги Султон Жўра қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Пўлат Жумаев билан суҳбатлашди.

— Маҳалла қадим Шарқимизда ҳамиша ўзаро ҳурмат, эҳтиром, яхши қўшничилик, дўстона муносабатлар, меҳр-оқибат кўрғони сифатида эъзозланиб келинган. Бугунги мустақиллик кунларида маҳалланинг роли, фуқаролар ижтимоий муносабатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг кам таъминланган, ҳимояга муҳтож қатламларига аниқ, мақсадли ёрдамлар уюштиришдаги роли бениҳоядир.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларига ўтаётган сайловларда биз асосан ана шу бебаҳо анъаналарга суяниб иш олиб бормоқдамиз. Хўш, бугунги оқсоқол қандай бўлиши керак?

Биринчи навбатда, оқсоқол ҳурмат-эътибор қозонган, ҳуқуқий билимдон, одамохун инсон бўлиши керак. Чунки у ўша ҳудуднинг отаси — ақл чироғи ҳисобланади. Шунга кўра биз ўтган сайловда фуқаролар йиғинимиз ҳудудидаги 16 та қишлоқда асосан ана шу талабларга жавоб берадиган оқсоқоллар (вакиллар)га ишонч билдирилди. Мана, узоқ йиллар ўқитувчи бўлиб ишлаган, юзлаб-минглаб шогирдлар етиштириб, элга қўшган Бафо Усмоновни олайлик. Бу олижаноб инсон Мирзақул қишлоғиликларнинг энг яқин кишисига, жонкуяр маслаҳатчиси, фидойи бошқарувчисига айланган. Қишлоқдаги каттакичик йиғинлар, тўй-тантаналар у кишининг иштирокисиз ўтмайди. Отахон ҳар ишда уларга бош-қош. Шунинг учун ҳам бу қишлоқда ариза-бозликка барҳам берилган. Унча-мунча муаммолар ҳатто фуқаролар йиғинига келмасданоқ ўз жойида ҳал этилади.

Бобоато қишлоғида эса Жамол Ҳожиев шундай обрў-эътиборга эга. Оқсоқолнинг саъй-ҳаракатлари билан тўйлар тартибга тушди, халқни чиқимга қўядиган маросимлар қисқартирилди, кам таъминланганларга эътибор янада кучайди.

Наққош қишлоғининг вакили Баҳодир Олимов ҳам беназир инсонлардан. Меҳнат биржасида фаолият кўрсатаётган бу йигит элпарварлиги билан обрў-эътибор қозонган. Ёш бўлишига қарамай, қишлоқдаги хонадонларни «беш қўлдек» билади. Кимнинг қўлидан нима иш келиши, қанча даромад олишини билади, ёрдамга муҳтожларга имкон қадар ёрдам уюштиради.

Ўзим ҳам бир неча сайловдан бери шу вазифада ишлайман. Бу даврда каттага ука, кичикка ака дегандек, элнинг корига яраб келаяпман. Ҳудудимизда 8,5 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Бу шунча орзу-ҳавас деганидир. Раис сифатида қай ишга қўл урмай, ана шу одамларнинг қувонч-ташвишлари, яшаш тарзлари кўз олдимда туради. Ҳудудимизда 4 та мактаб, 3 та болалар боғчаси, 2 та қишлоқ врачлик пункти, Ўзбекистон - Туркия қўшма корхонаси бор. Иложи борича ҳар куни уларга бирров кириб чиқаман.

Менимча, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси билан халқ ўртасида ўзаро ишонч, ҳамкорлик, дўстлик ришталари бўлиши керак. Шундагина, оқсоқол — элига элдош, халқига фидокор бўлади. Халқ ҳам унга ишонади, муаммоларни биргаликда ҳал этиш учун ўзини сафарбар деб билади.

Кўпинча шундай бўлади, оддий маиший ва бошқа муаммоларни ҳал этишда одамлар ҳеч йўқ, бе йўқ ҳокимиятга, матбуотга ёки бошқа юқори органларга мурожаат қилишади. Негаки, улар ўз оқсоқолларига ишонмайдилар, иккинчидан, бундай жойларда халқ билан фуқаролар йиғини ўртасида бегоналик деворлари бор. Токи, баъзи ўзини ўзи бошқариш органлари, халқ билан ўзлари ўртасидаги ана шу ётсираш, ҳадиксираш деворларини олиб ташламас экан, мақсадга эришилмайди .

Амина ҚОДИРОВА.

Бир Фармон шарофати

Ўзбекистонимизнинг эртанги куни ... баркамол, руҳан тетик, мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятига эга бўлган, замонасининг илмий-техника тараққиёти талабларига мос, касб-кор маҳоратини ўзида мужассам этган, ғурури баланд, иймони бутун, иродаси бақувват, чинакам ватанпарвар, инсофли ва ориятли инсонлар қўлида деб айтсак, асло муболағa бўлмас.

Ислом КАРИМОВ

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ИМКОНИЯТИ

Наманган вилоятида ҳам Ўзбекистон Президентининг хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони иқтисодий ислоҳотларнинг ўта муҳим соҳасида қувончли натижаларни қўлга киритишда бош омиллардан бири бўлмоқда. Хусусан, 2000 йилда вилоят бўйича 2485 та ўрта ва кичик корхоналар, микрофирмалар ҳамда деҳқон, фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида белгиланганидан кўп — 672 кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият бошлаб, кўпдан-кўп янги иш ўринлари яратилди. Улар вилоят халқ хўжалигини ривожлантириш, ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Қуйидаги саҳифада ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ҳаёт, давр талаби бизни тинмай изланишга, омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатишга ундамоқда. Буни Наманган ишбилармонлари ҳам қалбдан ҳис қилмоқдалар. Зеро, Президентимизнинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармони уларга кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Тадбиркорлар фаолиятини кенгайтиришга кўмаклашиш мақсадида вилоятдаги бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан ўтган йили 335 миллион 679 минг сўмлик кредит ажратилди. Шуларнинг ҳисобидан янги иш ўринлари яратилди, кичик корхоналар ишга тушди, маҳсулот турлари кўпайди.

Мақсадга эришишда хориж сармоясини жалб этиш алоҳида аҳамият касб этди. Сўнгги икки йил ичида Наманганда умумий қиймати 3777,9 минг АҚШ долларига тенг бўлган тўққизта инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Чуст туманидаги «Мармарф», «Нурафшон», Тўрақўрғондаги «Шамс ЛТД», Чортоқ туманидаги «Роҳат», «Чортоқ-Файз» корхоналари шулар жумласидандир. Эътиборлиси шуки, хориждан замонавий технологиялар олиб келиш, ўрнатиш, харидоргир маҳсулотлар турини кўпайтириш борасида ҳам аниқ тадбирлар амалга ошириляпти. Республика ва вилоят миқёсида ўтказилаётган кичик технологияларга бағишланган семинар, кўргазмаларда тадбиркорларимиз фаол иштирок этаётганликлари кўп наф келтиряпти. Хусусан, вилоят ишбилармонлари бошқа давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантира бориб, ўзаро манфаатли шартномаларни имзоламоқдалар. Масалан, Саратов шаҳридаги «Восход» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан яқиндан алоқа ўрнатилганлиги туфайли 22 та тадбиркор маҳаллий хом ашёдан нон, макарон, қандолат, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи замонавий, қулай кичик технологияларга эга бўлди.

Шунингдек, тадбиркорларнинг чет эл инвесторлари билан учрашувлари ҳам ўтказилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ Берлин шаҳридаги «Тиссен-Хандель-Берлин-ГмБХ» компаниясининг Янгиқўрғон туман Нанай қишлоғида жойлашган «Дурдона-Т» кўп тармоқли хусусий корхонасига мева ва сабзавотларни қайта ишлаш, қуритиш минитехнологиясини олиб келиб ўрнатиш имконига эга бўлинмоқда. Табиийки, ҳар бир тадбиркор ўқиши, билим ва тажрибасини ошириши, иқтисодиётни юксалтириш омилларидан унумли фойдалана билиши даркор. Биз кичик ва ўрта бизнес вакилларини чет эл тажрибаси билан таништириб боришга эътиборни кучайтирдик. 40 нафардан ортиқ тадбиркор Италия институти профессори Ян Бернард Лич томонидан ўтказилган ўқувларда иштирок этдилар. Бунинг самараси кутилганидек бўлди.

Товар ишлаб чиқарувчиларга дастлабки ҳисоб-китоб, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, сармоя жалб этиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш мақсадида жойларда бир йилнинг ўзида 14 мингдан ортиқ кишига ахборот хизмати кўрсатилди.

Тадбиркорлар эндиликда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Улар имтиёзлардан унумли фойдаланаяптилар, дейишимиз мумкин. Хусусан, қишлоқ жойларидаги ишбилармон кишилар электр энергиясидан имтиёзли фойдаланишмоқда. Бироқ, ҳали ишимизда баъзи бир камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Оз бўлса-да қайсидир хўжалик ёки туманда тадбиркор йўлига тўсиқ бўлаётганлар ҳам топилиб туради. Айни пайтда ўз куч ва имкониятини ҳисобга олмай, ишни юрита олмаётган, дейлик, ернинг умрини зое ўтказаётган сохта тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Ҳаётнинг жўшқин оқими уларни четга суриб қўяди, албатта.

О.МАҲСУМОВ,
Наманган вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бошқаруви раиси.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА



И. ҲАСАНОВ олган сурат.

НАМАНГАН ҲУНАРМАНДЛАРИ АСАРЛАРИ АҚШда ҳам ўз мухлисларини топди

Наманган азалдан ҳунармандлар юрти саналган. Сержило атласлару беқасамининг довруғи етти иқлимга ёйилгани бор гап. Истиқлол туфайли гуллар маскани, деб ном олган бу жаннатмакон гўшада ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган ҳунарларни янада равнақ топтириш имконияти яратилди. Нуронийлар билан фикрлашсангиз, шундай дейишади: қўлингда гулдек ҳунаринг бўлса-ю, уни ишлатишинг иложи бўлмаса... Инсон учун бу оғир кўргулик. Собиқ шўро даврида бизни пахтанинг қулига айлантирмоқчи бўлишди. Қарангки, ҳатто кичик цехларимиз, тегирмонларимизгача устамонлик билан тугатилди. Бу билан ўзлигимизни, ҳунармандчилигимизни, ғуруримизни топтамоқчи бўлишди. Яхши эслайман, маҳалламиздаги кекса косиб уйида қўни-қўшнилар учун оёқ кийими тикиб бераётганлиги учун ойлар мобайнида сарсон қилинди.

Мана энди ҳунармандчилик гуллаб-яшнамоқда. Мамлакатимиз Президентининг «Халқ бадиий ҳунармандчилигини ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини наманганликлар ҳам зўр миннатдорчилик ила қарши олдилар. Улар хурсандчиликларини амалий фаолият орқали ифодалашга интилмоқдалар. Ҳар қанча қувонсак арзирди. Боиси, таъкидланган фармонда қўли гул кишилар эмин-эркин фаолият юритишлари учун катта имконияту имтиёзлар яратилган. Масалан, ҳунармандлардан беш йил давомида даромад солиғи олинмайдиган бўлди.

Бизнинг шаҳарда иккита уста-шогирд ҳунармандлар мактаби фаолият кўрсатмоқда. Улардан биринчиси ёғоч ўймакорлигининг моҳир устаси Маҳмуджон Жўраев мактабидир. Бу ердаги истеъдодли инсонлар олти ва саккиз қиррали кроватлар ясаш билан шуғулланадилар. Иккинчи мактаб таниқли наққош Асқарбек Акбаровга тегишлидир. Устанинг шогирдларини қўшни давлатларда ҳам яхши билишади. Боиси, ниҳоятда жозибали, эстетик жиҳатдан қойилмақом қилиб бажарилган асарлар барчани лол қолдиради. Ўз навбатида деворга суратлар чизиш яъни, нақш, миллий миниатюралар устаси Аъзамжон Валиев асарлари АҚШ, Швейцарияда ҳам ўз харидорларини топаётганлигидан фахрланамиз.

Латифжон Аҳмаджонов истеъдоди ҳақида яйраб гапираман. Унинг камалак рангини эслатувчи ажойиб атласлари Наманганнинг ўзида ҳам талаш. Ҳозирги кунда бизнинг чеварларимиз томонидан тайёрланаётган ажойиб либосларга Россиядан буюртмалар олинмоқда.

Бахтиёр СОДИҚОВ,
миниатюрачи рассом.

ЧОЙ ҲАМ ЎЗИМИЗДАН

Истиқлол ва иқтисодий ислоҳотлар шарофати туфайли вилоятда чой қадоқлаш корхонаси бунёд этилди

Шаҳар дўконларини айланган кишилар чиройли ва бежирим қадоқланган чойга кўзи тушади. Эътиборлиси шуки, бу неъмат шу ердаги корхонада тайёрланмоқда. Хайрли ишга қўл уришнинг ўзига хос тарихи бор.

Равшанки, халқимиз турмушини чойсиз тасаввур этиш қийин. Қадрдонлар учрашганда, аввало бир пиёла чойга таклиф қилади. Самимий давра суҳбатлари ҳам бир пиёла чойдан бошланади. Шу боис бир тадбиркор сифатида ўз вилоятимизда арзон ва сифатли чой етказиб беришни йўлга қўйиш мумкинми, деган савол ҳақида кўп ўйладим. Мутасадди кишилар, мутахассислар билан фикрлашдим. Улар режаларимизни маъқуллашди.

Мақсадга эришиш йўлида Хитойнинг «Ан-хо» корпорацияси билан мустаҳкам алоқа ўрнатдик. Хорижий шерикларимиз билан бир тўхтамга келгач, давлатдан кредит олиб, қурилиш ишларига киришдик. Бўлажак корхонага учун аҳоли зич жойлашган Машад қишлоғи танлаб олинди. Фаолиятни қизғин бошлаб юбордик. Шерикларимиз зарур ускуналар топишда ҳам кўмаклашишди. Белгиланган муддатда бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етказилди. Замонавий цехларга машина ускуналари ўрнатилди. Ниҳоят, 1998 йилда чой ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозир корхонамизда беш турдаги чой қадоқланмоқда. Маҳсулотимизга талаб ортиб боряпти. Қувончлиси шуки, ўзимизнинг йигит ва қизлар замонавий технологияни моҳирлик билан бошқаришмоқда. Собитхон Тўхтаров, Шокир Мирзаахмедов, Муборак Акромова, Шарифа Қаюмова сингари ўз касбининг усталари ишни сифатли бажаришда ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.

Ҳабибулло МИРЗААҲМЕДОВ,
Уйчи туманидаги «Ал Жаҳон» чой қадоқлаш корхонаси раҳбари, Олий Мажлис депутати.

УЗОҚНИ ЯҚИН ҚИЛИБ

Норин туманида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Янгидан-янги тиббиёт тармоқлари бунёд этилмоқда. Яқинда туманнинг аҳоли зич яшайдиган Чўжа қишлоғида врачлик пункти қурилиб фойдаланишга топширилди. Ана шу эзгу иш учун давлат томонидан 42,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Эндиликда қишлоқ аҳолиси учун вақт ва маблағ сарфлаб эхтиёж туғилганда туман марказига қатнаш зарурати қолмади. Бу ерда биринчи ёрдам кўрсатиш, касалликларга ташхис қўйиш ва муолажа белгилаш учун барча шарт-шароит мавжуд. Бинобарин кунига камида 50 нафар бемор ушбу тиббиёт шохобчасига қатнаб саломатлигини назоратдан ўтказиш ёки ташхис қўйдириб олиш имкониятига эга бўлмоқда.

УШАЛГАН ОРЗУ

Ниҳоят Нодим Наманганий номли 50-мактаб ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасининг орзуси амалга ошди. Улар Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги байрами нишонланадиган йилда янги бинога кўчиб ўтдилар. 1200 ўқувчига мўлжалланган билим даргоҳида болаларнинг ҳар тарафлама чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароит муҳайё. Ҳозирда дарслар компьютерлар ва лингофон аппаратлари ёрдамида олиб борилмоқда. Қурилиш учун 240 миллион сўм маблағ сарфланди.

Наққош, миллий миниатюралар устаси А.Валиев ижодига мансуб асарлар ўзининг бежиримлиги, гўзаллиги, бетакрорлиги билан хориждагиларга ҳам маъқулу манзур бўлмоқда. У Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллигига атаб энг нодир наққошлик намуналарини яратмоқда.





МИЖОЗЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

Намангандаги «Собитқадам» хусусий фирмаси қошидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи мажмуа тўлиқ қувват билан ишлай бошлади. Мажмуа жойлашган бинода кийимларни тозаловчи бешта машина, олтита дазмоллаш ҳамда тўртта бўяш ускунаси ишламоқда. Иккинчи қаватда эса тикув цехи жойлашган бўлиб, мижозларга қўли гул тикувчилар хизмат кўрсатишади.

— Ҳаммаси фирма раҳбарларининг кредит сўраб қилган мурожаатидан бошланди, - деди «Замин» ипотека банкининг Наманган филиали бошлиғи Ҳабибулла Маматов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Корхона лойиҳасини кўриб чиқдик. Баъзи ўзгартиришлар киритилганидан сўнг фирмага имтиёзли шартлар асосида 3 миллион 200 минг сўм кредит бердик. Ушбу маблағга зарур асбоб-ускуналар сотиб олиниб, янги иш ўринлари очилди. Буюртмалар ҳам кўпайиб қолди. Ўтган йили аҳолига 4 миллион 205 минг сўмлик хизмат кўрсатилиб, 554,3 минг сўм даромад олинди. Косонсой туманидаги «Шаҳрав» хусусий фирмаси ҳам қарз маблағларидан самарали фойдаланаётир. Ушбу корхонага тўқувчилик цехини ташкил этиш учун йилига 18 фоизлик имтиёзли кредит ажратилган эди. 15 нафар ишчини бирлаштирган жамоа маҳаллий хом-ашёдан арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ўтган йили 165 миллион 513 минг беш юз сўмлик маҳсулот сотишга эришилди. Олинган фойданинг бир қисми ишчиларнинг ижтимоий ҳамда маданий эҳтиёжларига ажратилди.

Биз ишга бўлган бундай оқилона муносабатни қўллаб-қувватлаймиз. Умуман олганда, кредит сиёсатида кичик ва хусусий бизнесга кўпроқ эътибор қаратамиз. Ўтган йили филиалимиз умумий миқдори 258 миллион 467 минг сўмлик кредит ажратди. Шуларнинг катта қисми тадбиркорлик секторига тўғри келади.

ОЛИС ҚИШЛОҚДАГИ КИЧИК КОРХОНА

Ўзак қишлоғининг табиати сўлим ва мафтункор. Одамлари дилкаш, қўли гул, саховатпеша. Ҳар гал бу ерга келганимда, албатта қаймоқхўрлик қиламиз. Шундай кунларнинг бирида бўрсилдоқ булка нонини тавсия қилишди. Ҳайратланиб ҳамсуҳбатимга қарадим. Маълум бўлишича, Ҳабибулло исмли тадбиркор уй бекаларининг мушкулини осон этиб, нон тайёрлайдиган кичик корхона ташкил этибди. Бироқ, бунга осонликча эришилмаган.

Ҳабибулло Асилбеков мактабни тугатгач, Тошкент кооператив техникумига ўқишга кирди. Уни муваффақиятли тугатгач, энг олди ошхоналарда меҳнат қилиб, миллий таомлар тайёрлашнинг ҳадисини олди.

Сўнг, қадрдон гўшаси — Заркент қишлоғига келиб, ошхона очди. Очиғи, тирикчилиги туппа-тузук ўтиб турганди. Бироқ, асл тадбиркор одамларга кўпроқ нафим тегсин, деди. Хўжалик бошқаруви раисига учрашиб, Ўзак қишлоғидаги эски саройга туташ жарликлар ўрнини бе-ришларини, у ерда савдо, умумий овқатланиш шоҳобчаси ташкил этиш истагида эканлигини билдирди.

— Бу катта маблағ ва меҳнат талаб қилади, яна чув тушиб қолманг, - деди раис.

— Машинам, ортиқча мулкимни сотадиган бўлдим, қолаверса, дўстларим ҳам қараб туришмайди.

Мақсад сари дадил интилиш ўз самарасини берди. Кўп ўтмай, қишлоқда замонавий нон пиширишга кичик корхонаси қад ростлади. Тадбиркор ихчамгина ошхона ва бошқа савдо нуқталарини ишга тушириб юборди. Ўзига ажратилган майдоннинг гектаридан 45 центнердан буғдой ҳосили олишга эришиб келмоқда. Тўрт гектарлик боғ эса ҳамманинг ҳавасини келтиради. Нок, олма, олча-ю олхўри, хуллас, энг сархил неъматлар бор. Ҳабибуллонинг эндиги нияти мевани қайта ишлайдиган кичик корхона қуриш.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

«НИҲОЛ»

ўн хил маҳсулот ишлаб чиқармоқда

1992 йили давлатдан 250 минг сўм кредит олиб, фаолиятни бошладик. Яхши ният билан сутни қайта ишлайдиган корхона очдик. Орадан икки йил ўтгач, ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида янги ускуналар келтирилди. Мақсадга эришишда давлатдан олган 4 миллион сўм миқдоридаги кредит катта мадад бўлди.

Ишлаб чиқараётган маҳсулотимизга талаб ортаётганлигини кўриб, «Намуна» жамоа хўжалигидаги қаровсиз қолган чорвачилик фермасини кимошди савдосида сотиб олдик. Туман ҳокимлиги томонидан агрофирмамиз учун 30 гектар ер ажратиб берилди. У ерда дон, шунингдек, чорва озуқаси етиштираяпмиз. Вақт ўтиши билан чорва бош сони ортди, зоти яхшиланди, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди. Эътиборлиси шуки, замонавий корхона имкониятларидан тўлароқ фойдаланиб, «Намуна», «Шарқ юлдузи», «Туркистон», «Сохибкор», Бобур номли хўжаликлар, шунингдек, қатор фермерлардан сут сотиб олиб, қайта ишлаяпмиз. Натижада ўн хил маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз. Сифатли, яхши қадоқланган сариёғ, сузма, пишлоқ каби неъматлар кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Агрофирмамизда 50 га яқин киши меҳнат қилади. Ишловчилар учун яхши шароит яратилган. Тушлик бепул. Ҳар бир ходим мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинган. Ўтган йили меҳнатчиларнинг ҳар бирига 200 килодан дон берилди. Савобли ишлардан ҳам четда қолаётганимиз йўқ. Жумладан, қаровчисини йўқотган, ўзгалар мададига муҳтож кишиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаяпмиз. Саломатлик шоҳобчаларини таъмирлаш, янгиларини бунёд этиш мақсади учун 1,5 миллион сўм маблағ ажратдик. Умуман, Президентимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга оид Фармони мулкдор бўлиш, ўз корхонамизда халқимиз учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди. Бу ўзимизга ҳам, давлатга ҳам катта наф етказмоқда.

Ҳамидхон МИРОЛИМОВ,
Тўрақўрғон туманидаги «Ниҳол» хусусий агрофирмаси раиси.

КАСАБА УЮШМА РОЗИЛИГИ

Саволингизга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси меҳнат ҳуқуқи Бош назири Карим МУХТОРОВ жавоб беради.

САВОЛ: Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда касаба уюшма қўмитасининг розилигини олдиндан олиш тартиби ва унинг бажарилмаслиги қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш берсангиз.

Қандай ҳолларда касаба уюшма қўмитасининг розилиги олинмайди ва касаба уюшма қўмитаси ўз розилигини бермаслиги ҳам мумкинми?

Н.РИХСИБЕКОВ, Тошкент туман тиббий бирлашмаси касаба уюшма қўмитасининг раиси.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 101-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан, яъни Меҳнат кодексининг 100-моддаси бандларида кўрсатилган сабабларга кўра ходимлар вазифасидан озод қилинишидан олдин, агар жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмай туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш Меҳнат кодексининг 100-моддасида кўрсатиб ўтилган: технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги;

ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши;

ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги. Авval меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходимга интизомий жавобгарлик қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такроран интизомга хилоф ножўя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади;

ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги.

Меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузилишларнинг рўйхати ички меҳнат тартиби қоидаларида кўрсатилган бўлиши керак.

Қонунчиликда корхона тугатилганда ва корхона раҳбари билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинганда ҳамда ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар ишдан бўшатилганда касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаб қилинмайди.

Сиз туман соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитасида раис вазифасида ишлар экансиз. Агар Сизларнинг жамоа шартномаларингизда иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилиги олинишлиги кўрсатилмаган бўлса ҳам, бу муассаса раҳбарига ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшма қўмитасининг розилигини олдиндан олмаслик ҳуқуқини бермайди. Чунки Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида тузилган Битимда соғлиқни сақлаш муассасаларида ходимларни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилинишида касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилиги олиниши кераклиги кўрсатиб ўтилган. Шундай экан, бу Битим республикадаги барча соғлиқни сақлаш муассасаларига тегишлидир. Бу талабнинг бажарилишини ҳар бир касаба уюшма қўмитаси назорат қилиши зарур. Бу тартиб бошқа соҳанинг иш берувчиларига ҳам тааллуқли бўлиб, жамоа шартномаси тузилганда юқори касаба уюшма ташкилотлари билан юқори хўжалик органлари ўртасида тузилган Битимлар асос қилиб олиниши керак.

Кўп ҳолларда ходимларни ишдан бўшатишга розилик беришни сўраб касаба уюшма қўмитасига ваколати бўлмаган шахслар — ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассислар, бўлим бошлиқлари, хўжалик ишлари бўйича бош шифокор ўринбосарлари мурожаат қилишади. Бу ўринда ходимларни вазифасидан озод қилиш масаласида келишиш учун касаба уюшма қўмитасига ким мурожаат қилиши керак, деган ҳақли савол туғилади.

Ходимни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатиш учун розилик олиш тўғрисидаги касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилиш бевосита муассаса раҳбари ёки ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан бажарилади. Бу мурожаат ёзма равишда икки нусхада тузилиб, ходимни ишдан бўшатишга тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар (далолатнома, тушунтириш хатлари, билдиришнома, тиббий хулоса, буйруқлар ва бошқалар) илова қилиниши керак. Хат барча иловалари билан касаба уюшма қўмитасига топширилганда албатта рўйхатдан ўтказилиши ва хатнинг бир нусхаси иш берувчига қайтарилиши зарур. Хатда ходимни Меҳнат кодексининг қайси моддасининг қайси банди билан ишдан бўшатиш назарда тутилаётганлиги кўрсатиб ўтилади.

Касаба уюшма қўмитаси иш берувчининг мурожаатини ўн кун муддат ичида кўриб чиқиб, қарор қабул қилади. Бундай тартибининг талаб қилиниши касаба уюшма қўмитаси йиғилишида масаланы кўришни осонлаштиради, хатга илова қилинган ҳужжатларни иш берувчига қайтарилиши ва хатнинг ўз муддатида кўрилишини таъминлайди.

Касаба уюшма қўмитаси ходимни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилишга розилик беришнинг ўз қоидалари бор. Улар Меҳнат кодексида ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Уставларида кўрсатиб ўтилган.

Юқорида тилга олинган норматив ҳужжатларга асосан касаба уюшма қўмитаси иш берувчининг ходимни вазифасидан озод қилишга розилик беришни сўраб ёзган хатини ва илова қилинган ҳужжатларни чуқур таҳлил қилиб, амалдаги қонунлар талабига тўлиқ риоя қилинганлигига аҳамият беради ва бу масалани қўмита йиғилишида кўриб чиқиш муддатини белгилайди. Бу ҳақда иш берувчига хабар қилинади, иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилиниши кутилаётган ходим ёзма равишда огоҳлантирилади.

Касаба уюшма қўмитаси йиғилишида иш берувчи ёки унинг вакили, масаласи кўрилаётган ходим бўлиши зарур ва касаба уюшма қўмитаси аъзоларининг ярмидан кўпроғи қатнашган тақдирдагина у ваколатли ҳисобланади, унинг қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Унда таътилда, касаллик варақасида бўлган ишдан бўшаб кетган ва бошқа сабаблар билан мажлисда қатнашмаган касаба уюшма қўмитасининг аъзолари ҳам ҳисобга олинади. Масалан, қўмита 9 аъзодан иборат бўлиб, кўрсатиб ўтилган сабабларга кўра қўмитанинг 5 аъзоси мажлисда қатнашмаса, мажлис ваколатли ҳисобланмайди ва у бошқа вақтга кўчирилади. Агар 4 аъзодан иборат таркибда ходимни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишга розилик берилса, бундай қарор ноқонуний ҳисобланади.

Касаба уюшма қўмитаси мажлиси баённида унда қатнашган қўмита аъзолари, таклиф қилинганлар номманом ёзилиши керак. Йиғилишда биринчи бўлиб сўзни иш берувчи ёки унинг вакили бериш лозим, ундан кейингина бошқа йиғилиш қатнашчиларига сўз берилади. Мабодо қўмита йиғилишида масаласи кўрилаётган ходим узрли сабабларга кўра қатнашмаса, қўмита йиғилиши бошқа муддатга кўчирилади ва мажлис баённида бу акс эттирилади. Бу масала иккинчи бор кўрилаётганда юқорида қайд этилган барча тартибларга риоя қилиниши зарур.

Касаба уюшма қўмитаси ходимни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилишда розилик беришда албатта ходимнинг ижобий томонларига, кўп йиллик самарали меҳнатларига аҳамият бериши керак ва кўрсатиб ўтилган ҳолатларни инобатга олиб, у розилик бермаслиги ҳам мумкин. Бу ўринда савол туғилади: ходимни ишдан бўшатиш мумкинми, касаба уюшма қўмитасининг қарорини ким бекор қилади?.


Касаба уюшма қўмитаси ходимни ишдан бўшатишга розилик бермаса, уни ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди. Иш берувчи томонидан ходимни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруғи ноқонуний ҳисобланади ва у тегишли органлар томонидан бекор қилинади ҳамда ходимнинг мажбуран бекор юрган вақти учун ҳақ ундириб берилади ва бу муддат унинг иш стажига қўшилади.

Касаба уюшма қўмитаси қабул қилган қарорини фақат ўзи бекор қилиши мумкин. Юқори касаба уюшма ташкилотлари касаба уюшма қўмитаси чиқарган қарорни бекор қилишга ва у ходимни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишга ҳуқуқли эмас. Агар касаба уюшма қўмитаси қарор қабул қилишда хатоликларга йўл қўйган бўлса, юқори касаба уюшма ташкилоти хатоликларни кўрсатиб, бу масалани қўмита йиғилишида қайта кўриб чиқиш зарурлигини тавсия қилиши мумкин.

Касаба уюшма қўмитаси ходимни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишга розилик берганда Меҳнат кодексининг 107-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда қарорда Меҳнат кодексининг ёки бошқа норматив ҳужжатларнинг тегишли моддаси, банди аниқ ёзилиши керак. Қарорда ҳеч қандай бошқа таклифлар берилиши мумкин эмас.

Ҳар бир касаба уюшма қўмитаси кўрилган масала юзасидан амалдаги қонунлар асосида қарор қабул қилади.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



«Давлат солиғини тўлашда бизга имтиёз борми?»

Саволингизга ЎзКУФК меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон ИСАЕВ жавоб беради

САВОЛ: Қашқадарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли таъмирлаш қурилиш ва мунтазам фойдаланиш Бошқармаси (РСЭУ КГУЗ)сининг асосий иш фаолияти вилоятдаги соғлиқни сақлаш муассасаларида таъмирлаш қурилиш ишларини амалга оширишдан иборатдир. Шу сабабли ташкилотимизга давлат солиқларини тўлашда имтиёзлар борми?

Ю.АСТОНОВ, Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли таъмирлаш қурилиш ва мунтазам фойдаланиш бошқармаси бошлиғи.

ЖАВОБ: Хатингиздаги маълумотлардан сиз сўраётган ташкилот давлат бюджетидаги нотижорат ташкилот ҳисобланадими ёки тижорат билан шуғулланувчи мажмуалар таркибига кирадими, аниқлаш имкони бўлмади.

Даромад (фойда) солиғидан тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, (уларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадларидан (фойдаларидан) ташқари) озод қилинадилар.

Солиқ Кодексида солиқ солиш мақсадларида «тижорат билан шуғулланмайдиган ташкилотлар» дейилганда қуйидагилар тушунилади:

— фақатгина давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молия оладиган, ҳаражатларни қоплаш учун тасдиқланган сметалар доирасида бюджетдан дотация оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва фондлари, халқаро ташкилотлар;

а) тадбиркорлик фаолиятидан даромадлар олишни кўзламайдиган, таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилган ижтимоий-хайрия ёки бошқа мақсадларда тузилган ташкилот ва бирлашмалар;

б) молиявий ва бошқа маблағларни муайян ташкилотлар ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари йўлида тақсимламайдиган ва инвестиция қилмайдиган ташкилот ва бирлашмалар (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатга ҳақ тўлаш бундан мустасно).

Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

САВОЛ: Болаликдан 1-гуруҳ ногиронаман. 6512 сўм нафақа оламан. Биринчи гуруҳ ногиронларига давлат томонидан қандай имтиёзлар берилади?

Майрам ҲАҚБЕРДИЕВА, Пастдарғом тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг «д»-бандига мувофиқ I-гуруҳ ногиронларига энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоиз миқдорида устама ҳақ белгиланган. Сиз болаликдан I-гуруҳ ногирони бўлганингиз учун ўртача ойлик иш ҳақи ҳамда меҳнат стажига эга бўла олмаслигингиз мумкин. Шунинг учун Сизга энг кам ойлик иш ҳақи 4675 сўм ҳамда юқорида айтиб ўтилган қўшимча, яъни энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи (2450х75%=1837с50 т) ҳаммаси бўлиб (4675+1837сўм,50тийин) 6512сўм,50 тийин тўғри тайинланган.

Энди I-гуруҳ болаликдан ногиронлар қонун ҳужжатларида белгиланган қуйидаги имтиёзларга эга:

- даволаниш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этиладилар;
- икки йилда бир маротаба сиҳатгоҳга бепул йўлланма олишга;
- тиббий хулосага асосан протез-ортопедия буюмлари, эшитиш аппаратлари ва ногиронлар аравачасини бепул олишга;
- телефон учун абонент ҳақи тўлашда 50 фоиз енгилликка эга;
- автомашина бензини учун товон пули олишга;
- мол-мулк солиғидан;
- ер солиғидан озод этиладилар.

САВОЛ: 1920 йил туғилганман. 1940 йилдан 1970 йилгача колхозда ишлаганман. Мустақилликнинг дастлабки йилларида «Шуҳрат» медали билан тақдирландим. Ҳозир олаётган нафақамнинг миқдори 5900 сўмни ташкил этади. Оилада фақат бир нафар 20 ёшли неварам билан бирга яшайман. Нафақа пулини ошириш имкони борми?

Тўхтахон РЎЗИМАТОВА, Қўшкўпир тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ пенсия миқдорини аниқлашда пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилаётган шахснинг меҳнат фаолиятининг давомийлиги ҳамда энг кўп миқдорда олиниб келинган ўртача ойлик иш ҳақига боғлиқ бўлади. Бу дегани пенсионер пенсияга чиқишдан олдин қанчалик кўп меҳнат стажига эга бўлса ва юқори маош тўланадиган ишларда камида 5 йил ишлаган бўлса, пенсия миқдорлари ҳам шунга кўра юқори бўлади.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 28-моддаси «з»-бандига мувофиқ II-жаҳон уруши йилларида мамлакат ичкарисида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақ белгиланган. Ҳозирги кунда ушбу қўшимча 735 сўмни ташкил этади.

БАРМОҚ ИЗЛАРИ — БЕТАКРОР

Хершел ўз изланишлари жиноятчилик дунёсида жуда катта шов-шувга сабаб бўлишини англаб етди. Бироқ 10 кундан сўнг қамоқхоналар Бош инспекторидан келган жавоб хати унинг руҳини бирдан тушириб юборди. Хершелнинг касалмандлигидан хабардор бўлган Бош инспектор унинг таклифини носоғлом ғоя, фантазия дея қабул қилганлиги яққол сезилиб турар эди. Бу жавоб хати Хершелнинг ғояларини бир неча йилларга бўғиб ташлади. Хершел қамоқхоналар Бош инспекторига ўзининг ғоятда муҳим, аммо натижасиз хатини ёзаётган бир пайтда дунёнинг бошқа бир томонида, яъни Токионинг Дзукий касалхонасида айнан шу муаммо устида шотландиялик врач Генри Фулдс тадқиқот ишларини олиб бораётганлигидан бехабар эди. Кейинчалик Фулдс Лондонда чоп этиладиган «Табиат» журналига ўзининг ушбу тадқиқотлари тўғрисидаги мақоласини жўнатади. 1880 йилнинг октябр ойида журнал унинг мақоласини чоп этади ва жиноятчилик дунёсининг пайтавасига айнан шу вақтдан бошлаб қурт тушганлиги бутун Англияга аён бўлади.

Ўз тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, қадимда, муҳр бўлмаган бир пайтда давлат ёрлиқлари, фармон ва ҳукмларга ҳукмдорларнинг бармоқ излари босилиб тасдиқланганлигини кўришимиз мумкин. Бундан хулоса шуки, аждодларимиз бармоқ изларининг сирларидан маълум маънода хабардор бўлганлар. Лекин, ёрлиқ, фармонларга бармоқ изларини босишни урф қилмаган Европа, аниқроғи европаликлар эса бармоқ изларининг сирини биринчи бўлиб фанга олиб киришга муваффақ бўлдилар.

Хориж матбуоти асосида Б.ЭРМАТОВ тайёрлади.

(Боши газетамизнинг 67-сонида)



Халқаро болаларни химоя қилиш куни арафасида пойтахтимиздаги «Тошкентленд» боғи бир кунга меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ихтиёрига топширилди. Ушбу тадбир «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзэкспомарказ» томонидан ташкил этилди.

БОҒ МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ИХТИЁРИДА

Боғдаги барча аттракционлар эрталабдан пешингача бепул ишлади. Бу ерда Тошкентдаги 21, 22, 23, 24, 30-сонли меҳрибонлик уйлари ҳамда 104-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг мингдан ошиқ тарбияланувчиси мириқиб дам олди. Тошкентнинг болалар ижодий жамоалари улар учун катта концерт дастурини намойиш этди.

Хайрия тадбирининг ҳомийлари ота-она меҳридан маҳрум бўлган болалар учун қувноқ, ажойиб байрам ташкил этишга ҳаракат қилишди. Хусусан, «Кока-кола ичимлиги Ўзбекистон ЛТД» компанияси болаларни яхна ичимликлар билан, «Соғлом авлод учун» жамғармаси эса «Бешёғоч» фирмасида тайёрланган музқаймоқлар билан сийлади. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси эса болаларга бепул автотранспорт хизмати кўрсатди.

Шу кунларда бу каби байрамлар республикамизнинг барча вилоятларида бўлиб ўтмоқда. Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар болалари ушбу байрамларнинг асосий иштирокчилари бўлмоқда. Тадбирлар «Соғлом авлод учун» жамғармасининг ҳудудий бўлимлари томонидан «Соғлом авлод» ва «Она ва бола» давлат дастурларининг ижроси доирасида амалга оширилмоқда.

(ЎзА).

ТАЖРИБА МАКТАБИ

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари борасидаги қарашларини бойитиш, халқаро ҳуқуқий меъёрлар билан миллий қонунчилик ўртасидаги ўзаро муносабатларни таҳлил этиш Тошкентда бошланган «Жиноий ишлар бўйича суд жараёнларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро мезонлар» мавзуидаги ўқув машғулотининг бош мақсадидир.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган адвокат, прокурор, судя ва терговчилар учун мўлжалланган бу тўрт кунлик тренингда элликдан ортиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро экспертлар иштирок этмоқда. Тренинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва АҚШ ҳуқуқшунослар уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Ўқув машғулотлари давомида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро ҳужжатлар ва уларнинг тарихи, халқаро ва миллий ҳуқуқий меъёрларнинг ўзаро боғлиқлиги, суд жараёни ва судланувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, жазога тортиш қонун-қоидалари каби мавзуларда маърузалар тингланади.

(ЎзА).



Юнусобод туманидаги 288-мактаб аксарият бошланғич синф ўқувчилари яхши натижаларга эришган ҳолда ёзги таътилга чиқдилар. Энди уларни сўлим оромгоҳлар чорламоқда. Эътиборлиси шуки, мазкур илм масканида ташкил этилган тўгаракларда, ота-оналар иштирокида ўтказилган кечалар, савол-жавоблар ўғил ва қизларни билимдон, зукко, баркамол ва Ватанга садоқатли инсонлар этиб тарбиялашда муҳим рол ўйнади. Ушбу суратларда сўнгги қўнғироқ олдидан 4«Б» синфида ўтказилган тантанали кечадан лавҳалар акс эттирилган.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Санъат

Халқаро анжуманлар, кино кўриклари бугунги соғлом ижодий муҳитнинг муҳим белгиларидан бўлиб қолди. Ҳар бир миллий кино тараққиёти халқаро миқёсдаги учрашувлар, баҳслар, фильмлар алмашиш, тажриба билан ўртоқлашиш жараёни билан узвий боғлиқ. Зеро, кино — синтетик санъат. У техниканинг ютуқлари, катта ижодий гуруҳнинг билимига таянади. Шу боис, куни кеча Алишер Навоий номидаги санъат саройида бошланган ва муваффақият билан ўтаётган «Европа киноси кунлари» ижод аҳлини, кенг томошабинлар оммаси эътиборини тобора ўзига тортмоқда.

ТОШКЕНТДА «ЕВРОПА КИНОСИ КУНЛАРИ»

"БАДИИЙЛИК МЕЗОНЛАРИНИ ЁДДА ТУТДИК"

Фильмлар намойишидан олдин Италия элчиси Леопольдо Ферри де Ладзоранинг кўркам резиденциясида ўтказилган матбуот конференциясидаги дўстона суҳбат журналистлар, кино ҳодимлари, қолаверса, санъат мухлислари учун фойдали, қизиқарли бўлди. Масалан, каминанинг икки саволига, мулоҳазаларига Германия, Италия, Франция каби йирик кинематографик мамлакатларнинг вакиллари бефарқ қарамаганлигини кўрдик.

— Тошкентдек жаҳоннинг гўзал шаҳарларидан бирида уюштирилган «Кино кунлари» учун фильмларни танлашларингизда қандай тамойилларга амал қилдингиз? Асар янги, ҳозиргина суратга олиниб, монтаж қилиниб, экран сари йўл олганларини олиб келдингизми ёки бошқа мезонлар кўзда тутилдими?

— Биринчи марта кино тасмаси янги бўлишини назарда тутдик, албатта, - деб жавоб қилишди суҳбатдошларимиз. - Лекин бадиийлик мезонларини ҳеч қачон ёддан чиқармаётилишини қўллаб-қувватлаган ҳолда айрим буюк режиссёрларнинг (масалан, Ф.Веллини, М.Антониони, Ф.Трюффо...) барча асарларини ўн-ўн беш кун давомида ретроспектив тарзда кўрсатиб боришни ташкил этиш ҳақида мулоҳаза қилганимизда, «Бу ҳақда ўйлаб, режалар тузиш, уларни амалга ошириш йўлларини излаяпмиз...» деган жавобни олдик. Бу масала таржима, субтитр, фильмларнинг техник ҳолати, филмотекаларнинг сиёсати билан боғлиқ эканлигини билган ҳолда обрўли Европа Иттифоқи бу каби ташкилий масалаларни ҳам ҳал эта олишига ишондик.

ИККИ ФИЛЬМНИНГ БИР ФАЗИЛАТИ

«Телбанинг қайтиши» (режиссёр Саша Гедлон) ва «Мари» (режиссёр Мариан Хандверкер) мавзу, жанр, эстетик шакл жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Лекин уларнинг бири лирик-психологик комедия шаклида, иккинчиси киноқисса қонун-қоидаларига биноан инсоннинг ички дунёси, унинг ташвишлари, мураккаб ҳаёт кўринишларидан ларзага келиши ҳақида эҳтирос билан ҳикоя қилади. Муаллифлар инсоний муносабатларнинг мураккаблиги, руҳий оламининг нозиклигини таъкидламоқчи бўладилар. Кўп ўринда ўз муддаоларига етадилар ҳам. Экрандаги воқеалар ривожи мароми баъзан сустроқ кўринса-да, диққат-эътиборимизни маҳкам ўзига тортиб туради. Франтишек исмли йигит руҳий касалликка учраб, кейинчалик шифохонадан чиқади ва Янги йилни кутиб олиш учун узоқ қариндошиникига йўл олади. Йўл-йўлакай у севган ва севилмаганларни, ёвуз ниятли шахсларни, оила бахтини кўзлаб иш тутмоқчи бўлганларни учратади. Бетоб бўлгани, ташқи дунёдан ажраб қолгани туфайли атроф-муҳитга, инсонлар муносабатига дунёга энди келган кишидек, гўдаклардек қарайди. Ёлғон ишлатганларни, хоинлик қилганларни, турмуш икир-чикирларига ўралашиб қолганларни кўриб, эшитиб ҳам самимиятни ҳар нарсадан устун қўйган, шу боис гўзал ёринг ҳурматини, муҳаббатини қозонган Франтишек ёдимизда қолади.

Чех ҳамкасбларимизнинг бу асарларини кўриб, унда кўтарилган мавзу ҳақида ўйлаб, қўлланилган бадиий воситаларни идрок этиб бир хулосага келдик: қизил империя истибдодидан қутилган, турли бадиий оқимлар, эстетик йўналишларга мурожаат этиш имконига эга бўлган ҳамкасбларимиз эски қолиплардан воз кечиб, бадиий кашфиётлар сари интилмоқдалар.

«Мари» қиссаси ижодкорлари аввало актриса Мариан Хандверкернинг ижрочилик санъатига, юксак малакасига ишониб, сценарий битганлари, эпизодлар тартибини белгилаганлари, талқин йўлларини танлаганлари кўзга ташланади. Йигирма ёшида барчанинг эътиборини тортган Мари чин севги, оила, жамият олдидаги бурчини ҳамиша ҳис этиб турадиган кишилар ҳақида ўйлайди, уларни излайди ҳам. Фильмнинг фабуласини — воқеалар тизмасини қизалоқнинг ҳамда унинг ҳали вояга етмаган ҳамроҳининг саргузаштлари ташкил этади. Бу асар жаҳон киносида йил сайин катта адабиётнинг мумтоз вакиллари каби аёл қалбининг ўзига хослигини, унинг нозиклигини, ўз меҳрини ёрига, фарзандига, оилага, жамиятга сарфлашга ошиқишини таърифлаш йўлида самарали изланиш давом этаётганини кўрсатади.



ДАСТЛАБКИ ХУЛОСАЛАР

Европа иттифоқи ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги санъат саройи ўтказаётган кўрикнинг биринчи кунлари кўп ёшларни учратиб беҳад хурсанд бўлдик. Миллий университет, Санъат институти, Дипломатия ва халқаро иқтисод институти талабалари билан суҳбатлашиб, уларнинг фильмлар ҳақидаги илиқ фикр-мулоҳазаларини эшитдик. Тилагимиз — бу асарлардан кўпчилик аввало кино аҳли воқиф бўлса (дастлабки кунларда уларни деярли учратмадик). Зеро, санъаткор учун ўз қобиғига ўралашиб қолишдан ёмони йўқ. Мустақил юртимизда халқаро анжуманлар, кино кўрикларини ташкил этишга имкон олган эканмиз, улар эстетик завқ бериши, чуқур фикр уйғотиши, малака ҳақида ўйлашга ундаши табиий. Биз ўзимизга берилган бу имкониятдан унумли фойдаланмоғимиз даркор.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

Касаба уюшма тадбирлари

«САЛОМАТЛИК» БЕЛЛАШУВЛАРИ

юксак савияда ўтди

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда юксалтириш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, бу борада кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Спортнинг инсон ҳаётида нечоғлик юксак аҳамият касб этиши, соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги беқиёс ўрни ҳеч кимга сир эмас. Зеро, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур.

Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, бўш вақтларини унумли ўтказиш, бунинг учун спорт оммавийлигига эришиш борасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳайрли ташаббуслар билан чиқмоқда.



Ана шундай спорт тадбирларидан бири 24-27 май кунлари Фарғона шаҳрининг Қиргули тумани «Нефтчи» спорт мажмуида бўлиб ўтди. Уч кун давом этган «Саломатлик» Республика ҳудудий-тармоқ спартакиадаси янги номларни кашф этди, айни вақтда спорт ва жисмоний тарбия ривожига ҳам ўзига хос туртки берди.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан «Оналар ва болалар» йилига бағишлаб ташкил этилган «Саломатлик» Республика спартакиадасининг очилиши катта тантанага айланиб кетди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.Азимов барча қатнашчиларга омад тилади ва жойларда ўтказилган мусобақалар ғолиблари Ватанимиз байроғи остида майдонга кириб келдилар.

Ҳаяжонли дақиқалар... Бу ҳолни нафақат иштирокчилар, балки минглаб томошабинларнинг юзидан ҳам билиб олиш мумкин эди.

Спартакиада қатнашчилари спортнинг етти тури: енгил атлетика, стол тенниси, мини футбол, тош кўтариш, оилавий жамоа мусобақаси, дартс, стритбол бўйича ўзаро куч синашдилар. Енгил атлетика, мини футбол ва стол тенниси беллашувларида ғолиблик мезбонларга насиб этди. Шунингдек, ушбу спорт турлари бўйича Наманган, Жиззах, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри вакиллари ҳам совринли ўринларни эгаллашди.

Спортнинг стритбол тури бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақада Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари жамоаларига омад кулиб боққан бўлса, аёллар ўртасида ўтган беллашувларда эса Фарғона, Наманган ҳамда самарқандликлар шоҳсупага кўтарилдилар.

Тош кўтариш мусобақаларида Тошкент вилояти полвонлари биринчи, андижонликлар иккинчи, мезбонлар учинчи ўринга мушарраф бўлишди.

Ғоят қизиқарли ўтган оилавий жамоалар ўртасидаги мусобақаларда Тошкент шаҳри спортчилари биринчи ўринни эгаллаган бўлсалар, кейинги ўринлар Сирдарё ва Наманган вилояти вакилларига насиб этди. Дартс бўйича Самарқанд, Андижон ва Тошкент вилояти вакиллари зафар қучишди.

Умумжамоа ҳисобида Фарғона вилояти биринчи, Тошкент шаҳри иккинчи, Андижон вилояти вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

Кези келганда шуни таъкидлаш керак: Республика миқёсидаги бундай нуфузли мусобақанинг Фарғона вилоятида ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, Фарғона азалдан полвонлар юрти сифатида донг таратган. Шу билан бирга, фарғоналиклар турли йирик мусобақаларни ташкиллаштириш ва ўтказиш борасида катта тажриба тўплаганлар. Бинобарин, «Саломатлик» беллашувларининг юксак савияда ўтиши ҳам фикримизнинг ёрқин исботи бўлди.





Баҳром Ҳамроев, Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бўлим бошлиғи:

— Биз спартакиада баҳсларида тўлиқ, яъни 35 кишидан иборат жамоа билан иштирок этдик. Спортчиларимизнинг беллашувлардаги кўтаринки руҳдаги иштирокига мезбонларнинг юқори савиядаги тайёргарлиги қайсидир даражада ҳисса қўшди, деб ўйлайман. Бунинг учун мусобақа ташкилотчиларига чексиз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Суннат Ўринов, Хатирчи туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси:

— Вилоятимизда касаба уюшмалари томонидан қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қишлоқ спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йили иккита қишлоқ соғломлаштириш клуби очилди. Шунингдек, туман миқёсида турли спорт мусобақалари мунтазам ўтказилмоқда. Қишлоқ жойларда спорт йўриқчиларининг ишини кўнгилдагидек ташкиллаштириш келажакда спортимизнинг янада равнақ топишида катта аҳамият касб этади, албатта.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ, «Ишонч» мухбири,

Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

САХОВАТПЕША АКА-УКА

Китоб шаҳрида Абдуллаевларни билмаган киши йўқ. Саховатпеша ака-укалар Японияда ишлаб чиқарилган «ALOKA SSD-500» маркали ултратовуш диагностикаси аппаратининг ишга туширилишида бевосита ҳомийлик қилишди.

— Бу аппарат она қорнидаёқ боланинг ривожланиши ва саломатлигини аниқлаб ташхис қўя олади, - дейди Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ултратовуш диагностикаси кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, Нью-Йорк фанлар академиясининг академиги профессор Олимназар Дўстмуродов. — Бундан ташқари бир неча касалликларни ҳам аниқлайди.

Айни пайтда шифокорлар ҳамкорлигида беморларни қабул қилиш ва ташхис қўйиш ишлари олиб борилмоқда. Бир кунда 25-30 нафар беморга аниқ ташхис қўйиш имкониятига эга бўлган марказда шифокор Бахтиёр Абдуллаев беморларни қабул қилмоқда.

Ш.СУЛТОНОВ.

Футбол: мамлакат чемпионати

"СЎҒДИЁНА" – "ПАХТАКОР"

учрашуви барчани қизиқтирмоқда

Катта муваффақият билан бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари муносабати билан бироз безовталанган «Сўғдиёна» чамаси яна ўзига келаётир. Аввалги турда «Семурғ» устидан қозонилган ғалаба туфайли сўнгги поғоналарни тарк этган бўлса, бу гал Бекободнинг «Металлург» жамоасини қабул қилиб, янада чиройли ўйин кўрсатди. Ҳар ҳолда жиззахлик футбол ишқибозлари эслаб юрадиган натижага эришилди — 4:0.

Бу ҳали ҳолваси. Эртага бўладиган матч «Сўғдиёна» жамоаси учун ҳақиқий имтиҳонга айланиши шубҳасиз. Куни кеча Самарқандда маҳаллий «Динамо»га 0:1 ҳисобида учрашувни бой бериб, пешқадамликка бўлган даъвосида анчайин панд еган жамоа — «Пахтакор» Жиззахда «Сўғдиёна» меҳмони бўлади. Албатта, тошкентликлар кетма-кет икки марта мағлубиятга учрамаслик учун бор маҳоратларини ишга солишлари табиий.

Бир сўз билан айтганда, ғалаба ҳар икки жамоа учун сув билан ҳаводек зарур. Бу эса майдонда муросасиз кураш бўлишидан далолат бермоқда. Кўрамиз, омад кимга кулиб боқаркин?

Яна бир даъвогар — Қаршининг «Насаф» клуби Зарафшонда «Қизилқум» меҳмони бўлди. Учрашув кутилганидек қизғин курашлар остида ўтди. Тобора ўз мавқеини бой бериб бораётган «Насаф» яна икки қимматли очко йўқотди. Ҳисоб — 1:1. Лекин бундан на «Академия», на «Трактор» меҳмони бўлган «Дўстлик» фойдалана олди. Олий табақа дебютанти «Кимёгар» жамоаси қаршилигини енголмаган бўлса, ўтган йилги мамлакат чемпиони майдонда уюшқоқлик билан ҳаракат қилган Равшан Ҳайдаров шогирдлари билан охиргача оқибатда битимга имзо чекишга мажбур бўлди. Ҳар икки учрашувда бир хил натижа — 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Биринчи давра ниҳояланиб боргани сайин мухлислар бир тўхтамга келмоқдалар. Ҳа, бу мавсум чиндан ҳам Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси тантанаси билан якун топадиган кўринади. Буни команда турдантурга кучга тўлиб бораётгани, хоҳ ўз, хоҳ ўзга майдонда бўлсин, фақат ғалабага интилаётгани билан исботламоқда. Ангреннинг «Семурғ» командаси устидан қозонилган навбатдаги йирик (5:2) ғалаба ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Андижон»-«Навбаҳор»-4:0, «Бухоро»-«Сурхон»-2:0, «Зарафшон»-«Турон»-2:1.

13-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

ЖАМОАЛАР	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Нефтчи»	12	10	2	0	37-9	32
2.«Насаф»	13	9	2	2	24-11	29
3.«Пахтакор»	10	8	0	2	25-10	24
4.«Дўстлик»	12	7	2	3	26-15	23
5.«Академия»	13	6	3	4	27-17	21
6.«Навбаҳор»	12	7	0	5	19-17	21
7.«Трактор»	13	6	2	5	22-19	20
8.«Бухоро»	12	6	1	5	20-18	19
9.«Самарқанд-Д»	12	6	1	5	21-21	19
10.«Қизилқум»	12	5	2	5	11-12	17
11.«Зарафшон»	12	4	3	5	18-16	15
12.«Сўғдиёна»	12	4	1	7	15-18	13
13.«Андижон»	12	4	1	7	20-25	13
14.«Кимёгар»	12	3	2	7	10-19	11
15.«Металлург»	12	1	6	5	8-19	9
16.«Сурхон»	13	3	0	10	13-33	9
17.«Турон»	12	3	0	9	7-27	9
18.«Семурғ»	12	2	2	8	14-31	8

МАЙДОНДА - ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР

Чирчиқ «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг спорт мажмуида Тошкент вилояти Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма қўмитасининг IV тармоқ спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда 400 нафардан зиёд меҳнаткашлар қатнашди.

Қизғин баҳс ва мунозараларга бой бўлган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида Чирчиқ «Электрокимёсаноат» корхонаси вакиллари пешқадамлик қилдилар. Иккинчи ўрин Янгийўл шаҳридаги «Биокимё» хиссадорлик жамияти жамоасига, учинчи ўрин Янги Ангрен ДИЭСи аъзоларига насиб этди.

Дарҳақиқат, чирчиқликлар спартакиадага катта ҳозирлик билан келганликларини исботладилар. Улар мини футбол, волейбол (эркаклар ўртасида), шахмат ва шашка бўйича баҳсларда ҳар жиҳатдан устунлик қилдилар.

Ишқибозларни ҳаяжонга солган волейбол бўйича аёллар мусобақасида эса Янги Ангрен ДИЭСи вакиллари ғолиб чиқдилар.

«Она ва бола» мусобақаларида ғолиб чиққан «Биокимё»чилар стол тенниси ҳамда «Алломиш» ва «Барчиной» кўпкурашида ҳам пешқадамликни қўлдан бермадилар.

М.ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши назорат-тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари Ф.Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси **САЛОМАТХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ҳамшира-2001» кўрик-танлови

НАРГИЗА – ВИЛОЯТ БОСҚИЧИДА

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Янгийўл шаҳар қўмитаси ҳамда марказий шифохонаси ҳамкорликда «Оналар ва болалар йили»га бағишлаб даволаш-профилактика муассасаларининг ҳамширалари ўртасида «Ҳамшира — 2001» кўрик-танловининг якуний босқичини ўтказдилар.

— Ушбу тадбир тиббиёт ходимларининг касбий маҳоратлари ва тезкорликларини оширишда катта ёрдам беради, — дейди вилоят тармоқ ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташкилий ишлар бўлими мудири О.Эшонхонов. — Улар назарий ва амалий билим ҳамда тажрибалари мустаҳкамланиб бораётганини фаолиятлари давомида намоён этмоқдалар.

Кўрик-танловда дастлабки икки босқичдан муваффақиятли ўтган 14 нафар иштирокчи касбий маҳорат ва зукколикда беллашдилар. Берилган 5 та шарт бўйича болалар поликлиникаси ҳамшираси Наргиза Абдусаломова 245 балл тўплаб, ғолиб бўлди ва «Ҳамшира — 2001» кўрик-танловининг вилоят босқичига йўлланма олди.

243 балл жамғарган катталар поликлиникаси ҳамшираси Саодат Абдуваҳобова иккинчи, туғруқхона ходими Дилдора Нишонбоева учинчи ўринларни эгалладилар.

Ғолиблар ва қатнашчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

М. ДАВРОНОВА, «Ишонч» мухбири.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224.

1 2 3 4 5 6